*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# Суд ижрочилари тўғрисида

**1-модда. Суд ижрочиси**

Суд ижрочиси - суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий тартибда ижро этиш вазифаси қонун ҳужжатлари билан зиммасига юкланган мансабдор шахсдир.

21 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга (катта суд ижрочиси учун-шарт) ёки тугалланмаган олий ёхуд ўрта махсус (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси суд ижрочиси бўлиши мумкин.

**2-модда. Суд ижрочилари фаолиятининг ҳуқуқий асоси**

Суд ижрочилари ўз фаолиятида ушбу Қонун, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланадилар.

**3-модда. Мажбурий тартибда ижро этиш органлари**

Мажбурий тартибда ижро этиш органлари қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд ижрочилари департаменти;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармаларининг суд ижрочилари бўлимлари;

туманлар, шаҳарлар суд ижрочилари бўлинмалари.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд ижрочилари департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармаларининг суд ижрочилари бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар суд ижрочилари бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**4-модда. Суд ижрочиларининг ҳуқуқий мақоми**

Суд ижрочилари ҳокимият вакилидир ва улар хизмат вазифасини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намуналарда махсус кийим-бош киядилар ва кўкрак нишони тақиб юрадилар.

Суд ижрочиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари ходимлари махсус унвонлари берилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд ижрочилари департаментининг, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари суд ижрочилари бўлимларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган бошқа ходимлар суд ижрочилари мақомига эга.

**5-модда. Суд ижрочиларининг ҳуқуқлари**

Суд ижрочиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижро ҳаракатларини амалга оширишда зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотномалар олиш;

иш берувчиларда уларда ишлаётган қарздорларга нисбатан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ва молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро ишини юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш;

ижро ишини юритишда иштирок этаётган фуқаролар ва юридик шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларга кириш, мазкур бинолар ва омборларни кўздан кечириш, зарурат бўлганда уларни очиш, шунингдек суд ажрими асосида бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларда амалга ошириш;

қонунга мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

қарздорнинг банкларда ва бошқа кредит муассасаларида ҳисобварақларда турган, омонатга ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларини қонун ҳужжатларига мувофиқ хатлаш;

олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, бошқа мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан сарф-харажатларни қарздорнинг ҳисобига киритган ҳолда мол-мулкни ташиш учун фойдаланиш;

ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, суддан ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органдан уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраш;

қарздорга, унинг мол-мулкига ёки болага нисбатан қидирув эълон қилиш;

иш юритишда бўлган ижро ҳужжатлари бўйича фуқаролар ва мансабдор шахсларни чақириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

**6-модда. Суд ижрочиларининг мажбуриятлари**

Суд ижрочиси:

ижро ҳужжатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ижро этилиши чораларини кўриши;

ижро ишини юритиш тарафларига (бундан буён матнда тарафлар деб юритилади) ёки уларнинг вакилларига ижро ишини юритиш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш имкониятини бериши;

тарафларнинг ижро ишини юритиш борасидаги аризаларини ва илтимосномаларини кўриб чиқиши, шикоят қилиш муддатлари ва тартибини тушунтирган ҳолда тегишли қарорлар чиқариши;

агар ўзи ижро ишини юритиш жараёнидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини ўзи рад этиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

**7-модда. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш**

Суд ижрочилари ўзларига берилган ҳуқуқлардан қонунга мувофиқ фойдаланишлари ҳамда ўз фаолиятларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига йўл қўймасликлари шарт.

**8-модда. Суд ижрочисининг талабларини бажаришнинг мажбурийлиги**

Суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, юридик шахслар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Суд ижрочилари ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва ҳужжат нусхалари уларнинг талабига кўра бепул ва суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда тақдим этилади.

Суд ижрочисининг талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришига монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка олиб келади.

**9-модда. Суд ижрочиларининг жавобгарлиги**

Суд ижрочисининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиш мумкин. Юқори мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилиш судга мурожаат этишга монелик қилмайди.

Суд ижрочилари содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қонунга мувофиқ жавоб берадилар.

Суд ижрочиси томонидан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланиши лозим.

**10-модда. Суд ижрочиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси кафолатлари**

Суд ижрочилари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мажбурий суғуртасидан ўтказилиши керак.

Суд ижрочилари ўз хизмат фаолиятларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган ёки уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган ёхуд улар ҳалок бўлган тақдирда, тегишинча суд ижрочисига ёки ҳалок бўлган шахснинг оиласига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда бирйўла бериладиган нафақа тўланади.

Суд ижрочиларининг ўз хизмат фаолиятларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда уларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Давлат бюджети маблағларидан қопланиб, бу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

**11-модда. Суд ижрочилари фаолиятининг молиявий ва моддий-техника таъминоти**

Суд ижрочилари фаолиятини молиялаш Адлия вазирлиги томонидан бюджет маблағлари ҳамда Адлия вазирлиги муассасалари ва судларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Суд ижрочиларининг моддий-техника таъминоти тартиби ва нормалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

***Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси номига, қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:***

***700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.***

***Телефонлар: 139-85-74, 139-86-56.***






*Шу кунларда Наманган вилоятида бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин тус олмоқда. Деярли барча округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари ўзларига қарашли бўлган ҳудудларда тушунтириш ишлари олиб боришаяпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 91-Бобуршоҳ, 93-Тошбулоқ, 95-Ўнҳаят сайлов округларида олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ.*

*Бу эса вилоят сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари учун яхши иш шароитлари яратиб берилганлигидан далолат беради.*

**СУРАТЛАРДА: вилоят сайлов комиссияси раиси Ғозихон Яҳёхўжаев (чапдан иккинчи) комиссия аъзолари билан суҳбатлашаяпти; вилоят кутубхонаси ходими Дилором Қаҳҳорова фаол тарғиботчилардан ҳисобланади.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ**
**олган суратлар.**

*Ҳуқуқшунос минбари*

# САЙЛОВОЛДИ КУРАШИ

## У аввало қонун, кейин ахлоқ ва одоб қоидалари асосида ўтиши керак

Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён — сайловлар арафасида турибди. Бу жараён жамиятда демократик тамойилларни, қонун устуворлигини ва халқнинг сиёсий онги қай даражада етук эканлигини кўрсатувчи ўзига хос синов ҳамдир.

Маълумки, ушбу сайловда ҳар бир ўринга бир неча номзодлар даъвогарлик қилишади. Айни вақтда, бу номзодлар турли сиёсий партияларга мансуб бўлиши мумкин. Худди шу сабабли ҳам сайлов — бу энг аввало, номзодлар ва қолаверса, турли сиёсий партиялар ўртасида қизғин ва эҳтимол, кескин кураш асосида ўтиши шубҳасиз. Кураш эса ўз нуқтаи назарини, дастурини бошқаларга сингдириш, сайловчиларнинг ўзига мойил қилиб, рақибига нисбатан ўзининг афзаллигини кўрсатишга интилишларда ҳам кўринади. Ҳеч кимга сир эмас, ривожланган демократик давлатларда бу кураш, муросасиз тус олади. Шу муносабат билан сайловолди курашининг ҳуқуқий ва ахлоқий мезони қандай бўлиши керак деган савол ҳаммани қизиқтириши табиий.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида сўзлаган нутқида «Сайловларга тайёргарлик пайтида баъзи номаъқул ишларга берилиш, сохта ваъдабозлик, одамларнинг мойиллигини уйғотиш мақсадида ғайриқонуний ишларга қўл уриш каби носоғлом кураш авж олишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилачилик белгилари асосида ажралиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак. Асоссиз равишда бир-бирининг обрўйини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик, ҳар хил бемаъни «ўйинлар» уюштириш сингари нохуш ҳолларга асло йўл қўймаслик зарур. Халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди», — деб таъкидлаган эди.

Сайловолди кураши сиёсий партиялар ва номзодлар ғоялари ва дастурлари теварагида бўлиши шубҳасиз. Шу маънода ўз қиёфасига, маслагига эга бўлган, бошқалардан ажралиб турган сиёсий партиялар, номзодлар сайловчилар эътиборини ўзига торта олади. Энг муҳими бу ғоялар, дастурлар Конституциямиз ва қонунларимизга тўлиқ мувофиқ бўлиши лозим.

Сайловолди кураши номзодларнинг шахси билан ҳам боғланиши мумкинми? Мумкин, албатта. Яхши ғояни, дастурни илгари сурган номзод ўз шахсияти бўйича ҳам яхши бўлиши лозим. Энг аввало, шунга ишониш мумкинки, сиёсий партиялар, вакиллик идоралари ёхуд сайловчилар ташаббускор гуруҳи муносиб номзодларни илгари суришади. Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, номуносиб шахс номзодликка кўрсатиладиган бўлса, барибир охирги сўз сайловчиларда. Айни пайтда унинг рақиблари бўлган бошқа номзодлар ҳам бу ҳолатни эътиборга олмасликлари мумкин эмас. Бироқ, сайловолди курашида рақибининг шахси бўйича салбий фикр билдираётган тараф қуйидагиларни ёдда тутиши лозим. Инсон шаъни, қадр-қиммати муқаддас ва улар қонун томонидан қўриқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 100-моддасига асосан фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишбилармонлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларни ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Бинобарин, рақиб ҳақида салбий фикр айтишдан олдин бу фикр ҳақиқатга тўғри келишини исботлаб бериш масъулияти мавжудлигини ҳам унутмаслик керак. Акс ҳолда тегишли фуқаро бундай маълумотлар тарқатгани учун суд орқали узр сўрашга мажбур бўлиши, барча зарарларни (суд харажатларини ҳам) тўлаш, ноҳақ жабрланган рақибига етказилган маънавий зарарни пул шаклида қоплаш чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 40-моддасида туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатищ учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Жиноят Кодексининг 139-моддасида ҳам нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинган туҳмат учун ҳам 5 йилгача озодликдан маҳрум этишни кўзда тутувчи жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 140-моддасида ҳам ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш учун жавобгарлик чоралари белгиланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сайловолди курашида номзодлар рақиблари шахсияти масаласида етти ўлчаб, бир кесиб, фикр айтишлари лозим. Бу ўринда баъзи ялтироқ-қалтироқ демократия андозаларидан иборат олиб, бир-бирининг бошига ювинди ағдармасликлари лозим. Сайловолди курашида номзодлар Олий Мажлис депутати мақомига мувофиқ бўлмаган ваъдалар беришдан ҳам сақланишлари мақсадга мувофиқдир (масалан, мактаб қуриш, йўл ўтказиш ва ҳ.к). Бундай ҳолат ўзига хос ғирром рақобат ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатларни нафақат депутатликка номзодлар, балки уларнинг ишончли вакиллари, у ёки бу номзодларни ёқлаб тарғибот олиб борувчи сайловчилар ҳам ёдда тутмоқлари ва риоя қилмоқлари лозим.

Сайловолди кураши маълум ҳуқуқий чегарадан ташқари ўзининг ахлоқ-одоб доирасига ҳам эга бўлиши лозим. Шу сабабли ушбу масалада тегишли мутахассислар, олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини оммавий ахборот воситаларида билдиришлари айни муддао бўлур эди.

Сайловолди кураши энди бошланмоқда. Бироқ, барча сайловчиларни, номзодларни, сиёсий партияларни бирлаштирувчи муштарак манфаат, мақсад — Ўзбекистон давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, обод Ватан қуриш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш ҳисобланади.

**Омон ОҚЮЛОВ,**
**юридик фанлар номзоди.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

30 сентябр куни Ички ишлар вазирлиги академиясида халқаро гуманитар ҳуқуқни татбиқ қилишга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда халқаро гуманитар ҳуқуқни республика қонунчилигига татбиқ қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги ҳудудий вакиллиги бошлиғи Ги Меле ҳамда Халқаро Қизил хоч қўмитасининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Антон Комен иштирок этдилар.

**М. ҚОСИМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

***Тошкентда давом этаётган Италия технологияси ҳафталиги доирасидаги навбатдаги семинарлар тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги технологиясига бағишланди. Мазкур тадбирларда Италия ҳамда Ўзбекистондан соҳа мутахассислари иштирок этди.***

Таъкидлаш кераккi, қишлоқ хўжалиги соҳаси Ўзбекистон иқтисодининг асосини ташкил этади. Бу борада энг илғор, замонавий технологиядан фойдаланиш мамлакат тараққиёти учун ниҳоятда зарурдир. Италиянинг қишлоқ хўжалик техникаси дунёда иккинчи, яъни АҚШникидан кейинги ўринда туради. Ўз маҳсулотларини экспорт қилиш борасида италияликлар анча илғор. Жаҳондаги кўпгина давлатлар Италия технологиясидан фойдаланишни афзал кўради. Семинарда "UNACOMA" уюшмаси вакили Алесандро Лауренци шуларни таъкидлар экан, кўп йиллар давомида эгалланган Италия тажрибаси хусусида атрофлича тўхталди. Италияликларнинг қишлоқ хўжалик экинларини (дон, пахта, маккажўхори, соя кабилар) экиш ва суғориш ишларини бажарувчи машиналари, ирригация материаллари, мотокультиваторлар, юк ташув ва ўрим машиналари ҳамда сут, гўшт ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари ўз самарадорлиги ва сифатли иш жараёнини таъмин этиши билан ажралиб туради. Ушбу йўналишда "UNACOMA", "ANIMA" уюшмалари қошида юзга яқин корхона фаолият кўрсатади. Тадбир давомида ўзбекистонлик соҳа мутахассислари мазкур корхона ва фирма вакиллари билан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳам анча кенг йўлга қўйилмоқда. Айниқса, тўқимачилик саноатида бу яққол кўзга ташланади. Мазкур соҳага бағишланган семинарда Италиянинг "ACIMIT" уюшмаси ҳамда унинг таркибидаги корхоналар вакиллари шу пайтга қадар эришган ютуқлари ҳақида сўзлади. Мазкур уюшма вакили Федерико Пеллегатанинг таъкидлашича, Италия ишлаб чиқарган тўқимачилик саноати машиналарининг экспорт миқдори кейинги ўн йил ичида 2,5 дан 3,5 миллиард АҚШ долларига ошган. Бу эса ушбу технологияга талаб тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Семинарда Италиянинг турли хил станоклари, гидравлик пресслари ва бошқа ускуналари иш тизимини замонавийлаштиришга кенг имкон яратиши, ҳар томонлама қулай ана шундай технологияга эга бўлиш саноат ривожига, жумладан, кенг ҳамкорлик йўлга қўйилса, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳам катта ҳисса қўшиши мумкинлиги таъкидланди.

Италия технологияси ҳафталиги давом этмоқда.

**(ЎзА)**






*Ховос тумани пахтакорлари ҳар йили давлатга пахта топшириш режасини ортиғи билан бажариб келмоқда. Бу йил ҳам туман далаларида ҳосилнинг чўғи баланд. Айни пайтда бу ерда терим қизғин паллада.*

*Шунингдек, туман пахта қабул қилиш пункти жамоаси ҳам терилган ҳосилни саранжомлаш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 50 га яқин ишчи сидқидилдан меҳнат қиляпти. Шу кунга қадар туман пахта қабул қилиш пунктига 500 тоннадан ошиқ «оқ олтин» қабул қилинди.*

**СУРАТЛАРДА: пахта бунтлари қад кўтармоқда; Ховос туман пахта қабул қилиш пункти ишчилари (чапдан) Фурқат Жуманазаров, Умид Аҳмедов, 3-зона товаршуноси Эрназар Турдиев ва Ёқубжон Раҳимов.**

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

*Шу сонга хабар*

# РЕЖА БАЖАРИЛДИ

**ҚАШҚАДАРЁ** вилояти пахтакорлари давлатга уруғлик пахта сотиш йиллик режасини ошириб адо этдилар. 38200 тонна ўрнига 38357 тонна элита пахтаси қабул пунктларига топширилди. Бунда айниқса, Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаши, У. Юсупов тумани пахтакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, шаҳрисабзликлар 1615 тонна ўрнига 2057 тонна, чироқчиликлар 1350 тонна ўрнига 1365 тонна, қамашиликлар 7846 тонна ўрнига 8180 тонна, У. Юсупов тумани деҳқонлари 2440 тонна ўрнига 2530 тонна, қаршиликлар 5870 тонна ўрнига 6190 тонна аъло сифатли уруғлик пахта етказиб бердилар.

**Н. РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БУХОРО** вилояти миришкорлари қабул пунктларига 31 минг тоннадан зиёд уруғлик пахта топшириб бу борадаги режани бажарищди. Ушбу муваффақиятга Қоракўл туманидаги "Сайёт", Ромитон туманидаги "Қалайчорбоғ", Бухоро туманидаги "Маданият", Когон туманидаги "Бўстон", Жондор туманидаги "Истиқлол" хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшди.

Жамғарилган уруғлик пахтанинг асосий қисмини "Бухоро-6", шунингдек, "Юлдуз" ва "175-Ф" навлари ташкил этади. Режага қўшимча яна 2,5 минг тонна уруғлик пахта тайёрлаш мўлжалланмоқда.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

# АСАКАЛИКЛАР АРМУҒОНИ

Асакаликлар пиллачилик, ғаллачиликдаги катта муваффақиятларидан сўнг пахтачиликда ҳам арзигулик ютуқларни қўлга киритишди. 5995 гектар ерга барака уруғи қадаган марду майдонлар пахта тайёрлаш йиллик режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар. Ватан асакалик пахта усталаридан 17 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси қабул қилиб олди.

Эришилган муваффақиятда «Янги ҳаёт», «Навбаҳор», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. Асосий майдонларга пахтанинг эртапишар, серҳосил, касалликларга чидамли бўлган «Фарғона-5» навини қадаган деҳқонлар сентябр ойидаёқ ҳосилдорликни гектар бошига 32-35 центнердан-га етказдилар. Ҳосилнинг деярли барчаси биринчи навга сотилди. Айни кунларда мазкур хўжаликларда 40 центнерлик хирмон учун кураш кетмоқда. Мавлонбой Орипов, Инобатхон Йўлдошева, Дилбархон Маъмурова, Абдураим Ҳайитов етакчи бўлган бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

# ҚАДРЛАБ, ҚАДР ТОПГАН УСТОЗ

Устоз ҳақида нимадир ёзиш, нечоғли қийин ва маъсулиятли. Назаримда улар таърифи-тавсифи олдида сўз ҳам ожиздек гўё.

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги 16-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нўъмонжон Алимов ана шундай инсонлар сирасидан. Устоз ҳақида ўйлаганда ҳар гал бир воқеа эсимга тушади.

...Биз ўшанда иккинчи синфда ўқир эдик. Синфдошларимиздан бири — Назиранинг бетоблиги ҳақида хабар олдик. Орадан бир кун ўтгач, устозимиз тўрт ўқувчини Назирани кўргани юбордилар ва биз синфдошимизнинг саломатлигини билгач, ўтилган дарслар ҳақида ҳам қисқача гапириб бердик. Кейинги куни дарсдан сўнг яна тўрт киши Назираларнинг маҳалласига йўл олдик. Балки бир-биримизни йўқлаш, қолаверса инсонни эъзозлаш ана шу йилларда шаклланган бўлса, ажаб эмас. Агар устоз ўшанда бир-биримизни қадрлаш лозимлигини, инсон-инсонга ғанимат эканлигини уқтирмаганларида, эҳтимол бугунгидек инок, аҳил бўлмасмидик.

Домла умрининг салкам қирқ беш йилини ёш авлод тарбиясига бағишлади. Ўз касбига меҳр қўяоладиган одамгина атрофдагилар меҳрини қозонади. Бу — устознинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб англаган ҳақиқати. Фарзандни ёш ниҳолга менгзашади. Мактаб остонасига илк бор қадам қўйган ҳайрати жисмига сиғмаган болакай қанчалик эътиборталаб бўлса, шу қадар нозик ҳам. Ўқитувчининг яхши муомаласию машғулотларга қизиқтира олиши билан фанга меҳр қўйса, бир оғиз сўз билан мактабдан, умуман ўқишдан «совиши» мумкин.

Сир эмас. Бугун мактабда фақат фидойилар, аниқ мақсад — соғлом, баркамол авлод тарбиялаш ниятидаги кишиларгина меҳнат қилишяпти. Нўъмонжон ака ўқитган бошланғич синф ўқувчиларига раҳбарлик қилиш доимо талаш, ўқитувчилар ҳам, ота-оналар ҳам устоздан мамнун.

— Бола қизиқувчан бўлади, — дейди Н. Алимов, — ана шу қизиқувчанлик, ҳатто дунёвий билимларга қизиқиш айнан бошланғич синфда ўқиётган йиллари шаклланади. Ўқувчи сизга савол беришдан тортинмаслиги керак, шунинг баробарида сиз ҳам уни қизиқтирган ҳар бир соҳани эътиборсиз қолдирмаслигингиз лозим. Шунда бола ўзига талабчан, изланувчан бўлади, ундаги иқтидор бўй кўрсатади. Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ҳам ана шу каби масалалар ўз аксини топган.

...Кечагидай ёдимда. Биз, ҳатто партада қандай ўтиришни ҳам билмайдиган болалар биринчи синфга йиғилгандик. Устоз синфдошимиз Исломнинг симдан ясаётган тракторини топиб олдилар. Ҳаммамизнинг нигоҳимиз ўша томонга қадалган. Исломни жазо кутаётган эди-да! Ахир уйда номаъқул иш қилганда жазоланишга ўрганиб қолган эдик. Бироқ устоз бундан йўл тутмадилар, ҳатто койимадилар ҳам.

— Тракторни яхши ясабсану ғилдираклари бироз ўхшамай қолибди. Уйга боргандан кейин аввал дарсингни қил, сўнгра ана шу камчиликларни тузат, хўпми?

Ислом ясаган сим трактор барчамиз учун мўъжизадек туюлди, гўё. Ўша кундан эътиборан ҳаммамизда ижодкорлик, ўз устида ишлаш, масъулият деган теран туйғулар ниш ура бошлаган бўлса не ажаб. Балки устоз бизнинг илк меҳнатимиз — сим тракторлару латта қўғирчоқларимизни қадрламаганларида, бизни ижодкорликка рағбатлантирмаганларида, балки шогирдлари орасидан Маъмуржон Арақуловдек эл ардоғидаги раҳбарлар, Мўмина Бегматова, Солия Сувонқулова, Фарида Юсуповадек ўқитувчилар, Ҳалима Содиқовадек саломатлигимиз, Бахтиёр Қўчқоровдек осойишталигимиз посбонлари, Насиба Рўзиматовадек олималар чиқмасди, эҳтимол.

— Болалар тарбияси — келажагимиз тарбиясидир, — дейди Нўъмонжон Алимов. — Бугун улар қалбига эзгулик уруғини сочсанг эртага ниш уриб куртак ёзади. Маънавиятли, маърифатли инсоннинг кўнглида ёмонлик бўлмаслигининг сабаби ҳам шундан.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## КАСБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Оҳангарон шаҳридаги касб-ҳунар коллежида пойтахт вилояти ўқитувчи ва мураббийларининг касб байрамига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда соҳа ходимларига доимий ғамхўрлик кўрсатилаётгани, Президентимизнинг Фармонига мувофиқ республикамиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари ва фахрий унвонларига сазовор бўлганлиги бунинг яна бир яққол далили эканини таъкидлади.

Йиғилишда вилоятнинг энг яхши ўқитувчилари, шунингдек, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича ўтказилган кўрик-танлов ғолибларига мукофотлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир республика санъат усталари ва мактаблар қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

Нима? Қачон? Қаерда?

## ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Вашингтонда бўлиб ўтган Жаҳон банки директорлари кенгашида Ж. Вулфенсон номзоди иккинчи муддатга ушбу халқаро молия муассассаси президентлигига тасдиқланди. Кенгашда Ж. Вулфенсон раҳбарлик қилган тўрт йил мобайнида Жаҳон банки дунёда қашшоқликни камайтириш борасида салмоқли ишларни амалга оширгани алоҳида таъкидланди.

## ТАЛАБАЛАР НАМОЙИШИ

«Мудофаа вазири Виранто жазолансин», «Давлат хавфсизлиги ҳақидаги қонун бекор қилинсин!», «Мамлакатдаги зўравонликларнинг сабабчиси — Генерал Виранто!» Ана шундай шиорлар билан Индонезиянинг кўплаб шаҳарларида талабалар намойиши бўлиб ўтмоқда. Улар ҳарбийларнинг зўравонлигига ҳамда ўтган ҳафта армия ва ички ишлар вазирлигининг ваколатини кенгайтириш ҳақида парламент томонидан қабул қилинган қонунга норозилик билдирмоқдалар.

Намойишчилар билан хавфсизлик органлари ўртасида тўқнашувлар ҳам содир бўлаётир. Натижада ҳозиргача ўнлаб талабалар жароҳатланган, 49 киши ҳисбга олинган.

## САЙЛОВДАН КЕЙИНГИ МОЖАРО

Яқинда Марказий Африка республикасида президент сайлови бўлиб ўтган эди. Унда Анж-Феликс Патасса ғалаба қозонганди. Бироқ, сайловда мағлуб бўлган тўққиз номзоднинг барчаси сайлов натижаларни тан олмаслигини билдиришди. Улар сайлов натижаларини «сайлов бюллетенлари ёрдамида давлат тўнтариши», деб баҳолашди. Мағлуб номзодлар тарқатган баёнотда айтилишича, президент Анж-Феликс Патасса тарафдорлари сайлов натижаларини қалбакилаштирган.

## НАВБАТДАГИ АВТОҲАЛОКАТ

Жанубий Африка Республикасининг (ЖАР) Мпумаланга вилоятида йирик автоҳалокат рўй берди. Бунинг оқибатида 26 нафар хорижий сайёҳ ҳалок бўлди. Полициячиларнинг маълум қилишича, тоғли йўлда кетаётган автобуснинг тормози ишламай қолгани ушбу фожеага сабаб бўлган. Сайёҳларнинг аксарият қисми Буюк Британия фуқаролари эди. ЖАРда ўтган ҳафта ҳам тўртта автоҳалокат юз берганди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***С Я Н Г А Н.*** Расмий маълумотларга кўра, Тайванда ер силкиниши оқибатида қурбон бўлганлар сони 2113 тага, жароҳатланганлар сони эса 8736 тага етган. Шунингдек, 1449 киши бедарак йўқолган ҳисобланмоқда.

* * *

***П А Р И Ж.*** Франция ҳукумати Косовонинг Бресе қишлоғида юз берган қўпорувчилик ҳаракатини кескин қоралади. Мамлакат ташқи ишлар вазири бу ҳақда баёнот бериб, ўлкада барча этник гуруҳларнинг хавфсизлиги бирдек сақланиши лозимлигини қайд этди.

* * *

***Ф Р А Н К Ф У Р Т.*** Европа Иттифоқи 2002 йилгача минтақанинг шарқий ва марказий қисмидаги давлатларни ўз сафига қабул қилишга тайёр бўлиши мумкин, деб баёнот берди Европа комиссияси аъзоси Гюнтер Ферҳойген.

* * *

***Х А Н О Й.*** Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэн Таиландга келди. У мазкур мамлакат раҳбарлари билан музокаралар ўтказди ва ўзаро алоқаларни кенгайтириш, халқаро тинчлик кучларининг Шарқий Тимордаги фаолияти ва унда Таиланд ҳарбийларининг иштироки масалалари юзасидан фикр алмашди.

* * *

***Т Б И Л И С И.*** Грузия, Озарбойжон ҳамда Арманистон атроф-муҳит ва табиий захираларни муҳофаза қилиш вазирликлари, шунингдек, ушбу масалага тааллуқли Европа комиссияси вакиллари Тбилисида учрашиб, бу ерда ушбу соҳа билан шуғулланувчи махсус халқаро марказ очишга келишиб олишди.

**ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**



